

Приложение №12
к приказу ООО «AUTO FORTIS»
от «9» январь 2023 г.
№ 005-А

“AUTO FORTIS” МЧЖнинг
2023 й. “9” январдаги
005-А-сонли буйруғига
12-илова

**ПОЛИТИКА ПО БЛАГОТВОРИТЕЛЬНОСТИ
И КОММЕРЧЕСКОМУ СПОНСОРСТВУ
ОБЩЕСТВА С ОГРАНИЧЕННОЙ
ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ
«AUTO FORTIS»**

**“AUTO FORTIS”
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН
ЖАМИЯТИНИНГ ХАЙРИЯ ВА ТИЖОРАТ
ҲОМИЙЛИГИ БЎЙИЧА СИЁСАТИ**

202__ г.

202__ й.

I. ЦЕЛЬ ПОЛИТИКИ И СФЕРА ЕЕ ПРИМЕНЕНИЯ	I. СИЁСАТНИНГ МАҚСАДИ ВА ҚЎЛЛАНИШ СОҲАСИ
<p>1.1. Настоящая Политика разъясняет обязательные к соблюдению принципы и правила для обеспечения исполнения ООО «AUTO FORTIS» (далее – «Компания») Применимого законодательства и защиты ее репутации в процессе осуществления Социальных инвестиций и Благотворительных пожертвований (в совокупности – «Благотворительность»), а также Коммерческого спонсорства. Компания может оказывать различные виды поддержки в денежной и натуральной форме.</p>	<p>1.1. Мазкур Сиёсат риоя этилиши шарт бўлган тамойилларни ва “AUTO FORTIS” МЧЖ (бундан буён матнда “Компания” деб юритилади) томонидан Ижтимоий инвестициялар ва Хайрия эҳсонлари (биргаликда “Хайрия”), шунингдек, Тижорат ҳомийлигини амалга ошириш ёки хайрия ва ҳомийлик ёрдамини қабул қилиш жараёнида Амалдаги конунчиликнинг бажарилишини ва ўз обрўсини ҳимоя қилишини таъминлаш қоидаларини тушунтиради. Компания ҳар хил турдаги ёрдамни нақд ва натура шаклида тақдим этиши мумкин.</p>
<p>1.2. Целью настоящей Политики является обеспечение прозрачности планирования и эффективного управления затратами на осуществление Благотворительности и Коммерческого спонсорства в рамках специализированных фондов.</p> <p>(Более подробно см. Положение о Фонде спонсорской помощи и благотворительности ООО «AUTO FORTIS», утвержденное протоколом заседания Наблюдательного совета АО «Узавтосаноат» №4-2017 от 26.08.2017 г. и Положение о Фонде поддержки инновационной деятельности ООО «AUTO FORTIS», утвержденное протоколом заседания Наблюдательного совета АО «Узавтосаноат» №4-2018 от 22.06.2018 г.)</p>	<p>1.2. Мазкур Сиёсатнинг мақсади ихтисослаштирилган маблағлар доирасида Хайрия ва Тижорат ҳомийлигини амалга ошириш учун харажатларни режалаштиришда ёки хайрия ва ҳомийлик ёрдамини қабул қилишда шаффофликни таъминлаш ва самарали бошқаришдан иборат.</p> <p>(Батафсил маълумот учун “AUTO FORTIS” МЧЖ Кузатув кенгаши йиғилишининг 2017 йил 26 августдаги 4-2017-сонли баённомаси билан тасдиқланган Ҳомийлик ва хайрия жамғармаси тўғрисидаги низомга ва “AUTO FORTIS” МЧЖ Кузатув кенгаши йиғилишининг 2018 йил 22 июндаги 4-2018-сонли баённомаси билан тасдиқланган инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги низомга қаранг.)</p>
<p>1.3. В настоящей Политике рассматривается два вида поддержки: <u>Благотворительность</u> и <u>Коммерческое спонсорство</u>. Компания будет оказывать поддержку только при условии, что Благотворительность или Коммерческое спонсорство осуществляются согласно настоящей Политике и в соответствии с принципами, изложенными ниже.</p>	<p>1.3. Мазкур Сиёсатда икки турдаги ёрдам: <u>Хайрия</u> ва <u>Тижорат ҳомийлиги</u> кўриб чиқилади. Хайрия ёки Тижорат ҳомийлиги ушбу Сиёсатга ва қуйида келтирилган тамойилларга мувофиқ амалга оширилган тақдирдагина Компания томонидан қўллаб-қувватланади.</p>
<p>1.4. Настоящая Политика применяется к Компании, Персоналу, Деловым партнерам, Подконтрольному предприятию.</p>	<p>1.4. Мазкур Сиёсат Компания, Ходимлар, Бизнес ҳамкорлар, Назорат остидаги корхонага нисбатан қўлланилади.</p>
<p>1.5. Предполагается, что предприятия, в которых Компания не владеет контрольной долей участия, также будут соблюдать данную Политику или аналогичные стандарты.</p>	<p>1.5. Компания улушининг назорат пакетига эга бўлмаган қўшма корхоналар ҳам мазкур Сиёсат ёки шунга ўхшаш сиёсат(стандартлар)га риоя қилишлари мўлжалланади.</p>
<p>1.6. Настоящая Политика устанавливает минимальный стандарт, которому необходимо следовать. Если акты законодательства устанавливают более высокие требования, то</p>	<p>1.6. Мазкур Сиёсат бажарилиши керак бўлган минимал стандартни белгилайди. Агар конун ҳужжатларида юқорироқ талаблар белгиланган бўлса, унда Компания ушбу талабларга риоя</p>

<p>Компания будет соблюдать эти требования. Если Подконтрольное предприятие намерено принять какой-либо стандарт, устанавливающий менее строгие требования, чем указано в настоящей Политике, оно обязано получить письменное согласование Департамента по комплаенсу и мониторингу производственно-финансовых рисков (далее – «Департамент по комплаенсу»).</p>	<p>қилади. Агар Назорат остидаги корхона ушбу Сиёсатда кўрсатилганидан энгилроқ талабларни қабул қилмоқчи бўлса, у UzautoComponents МЧЖ Комплаенс ва ишлаб чиқариш-молия рисклари мониторинги Департаментидан (бундан буён матнда “Комплаенс департаменти” деб номланади) ёзма розилик олиши керак.</p>
<p>II. ТЕРМИНЫ И ОПРЕДЕЛЕНИЯ</p>	<p>II. АТАМАЛАР ВА ТАВСИФЛАР</p>
<p>Применимое законодательство - все нормативно-правовые акты, которые должны соблюдаться, включая, если применимо, но не ограничиваясь: законодательство Республики Узбекистан о противодействии коррупции, о противодействии легализации доходов, полученных от преступной деятельности, финансированию терроризма, а также законодательство США «О противодействии коррупции за рубежом» (FCPA), по введению санкций и экспортному контролю, антикоррупционное законодательство, действующее по месту регистрации или в стране присутствия Делового партнера (независимо от юрисдикционных ограничений).</p>	<p>Амалдаги қонунчилик - Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш; жиноятчиликдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилиги; шунингдек АҚШнинг “Чет элда коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” (FCPA), санкцияларни жорий этиш ва экспорт назорати тўғрисидаги қонунчилиги, Бизнес ҳамкорнинг рўйхатдан ўтган жойи ёки бўлиб турган мамлакатада амал қилувчи (юрисдикция чекловларидан қатъи назар) коррупцияга қарши қонунчилик, риоя қилиниши керак бўлган, шунингдек қўлланилса, улар билан чекланилмайдиган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.</p>
<p>Подконтрольное предприятие - зависимое и (или) дочернее общество, совместное предприятие, в которых Компания имеет более двадцати процентов их голосующих акций (долей) либо в силу преобладающего участия в их уставном фонде.</p>	<p>Назорат остидаги корхона - Компания ўзининг овоз берувчи акцияларининг (улушларининг) йигирма фоизидан кўпроғига эга бўлган ёки устав жамғармасида устун иштирок этиш сабабли тобе ва (ёки) шўъба корхонаси, қўшма корхона ва бошқа ташкилот.</p>
<p>Государственный служащий:</p>	<p>Давлат хизматчиси:</p>
<p>любое должностное лицо или служащий государственного органа, включая, но не ограничиваясь, органов законодательной, исполнительной и судебной власти, департаментов, учреждений, предприятий и организаций, являющихся государственными или находящиеся в государственном управлении, а также предприятий, в которых имеется доля государства;</p>	<p>давлат идорасининг, шу жумладан қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимият органлари, департамент, муассасалар, идоралар, давлат ёки давлат бошқаруви остидаги корхона ва ташкилотлар, шунингдек, давлат улуши бўлган корхоналар номидан иш юритадиган ҳар қандай мансабдор шахс ёки хизматчи;</p>
<p>любое должностное лицо, которое уполномочено международной организацией действовать от ее имени (например, Всемирного банка или Организации Объединенных Наций);</p>	<p>халқаро ташкилот (масалан, Жаҳон банки ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилоти)нинг номидан ваколат берилган ҳар қандай мансабдор шахси;</p>
<p>любой член политической партии или кандидат на политическую должность;</p>	<p>сиёсий партия аъзоси ёки сиёсий лавозимга номзод;</p>

любое политическое значимое лицо;	ҳар қандай сиёсий таъсир кўрсатадиган шахс;
близкие родственники любого из вышеперечисленных лиц.	юқорида қайд этилган шахслардан бирининг яқин қариндошлари.
<p>Политически значимое лицо – действующее или бывшее высокопоставленное должностное лицо, в том числе:</p> <p>руководитель органа государственной власти на местах либо органа самоуправления;</p> <p>глава правительства, министр (заместитель министра);</p> <p>депутат парламента или член подобной законодательной структуры;</p> <p>член руководящего органа (правления) политической партии;</p> <p>судья Конституционного суда, Верховного суда или судья судебного органа другого уровня (член судебного органа);</p> <p>член совета или правления высшей ревизионной (аудиторской) организации;</p> <p>член совета или правления Центрального банка;</p> <p>посол (консул);</p> <p>уполномоченный по правам человека либо бизнес-омбудсман;</p> <p>офицер вооруженных сил высшего звания;</p> <p>член совета или правления общества с государственным капиталом;</p> <p>руководитель международной организации.</p>	<p>Сиёсий таъсир кўрсатадиган шахс - амалдаги ёки собиқ юқори лавозимли амалдор, шу жумладан:</p> <p>маҳаллий давлат ҳокимияти ёки ўзини ўзи бошқариш органларининг раҳбари;</p> <p>ҳукумат раҳбари, вазир (вазир ўринбосари);</p> <p>парламент депутати ёки шунга ўхшаш қонун чиқарувчи орган аъзоси;</p> <p>сиёсий партиянинг бошқарув органи (кенгаши) аъзоси;</p> <p>Конституциявий суд, Олий суд судьяси ёки бошқа даражадаги суд органининг судьяси (суд органи аъзоси);</p> <p>олий тафтиш (аудиторлик) ташкилоти кенгаши ёки бошқарув аъзоси;</p> <p>Марказий банк кенгаши ёки бошқаруви аъзоси;</p> <p>элчи (консул);</p> <p>инсон ҳуқуқлари бўйича вакил ёки бизнес омбудсман;</p> <p>катта лавозимдаги ҳарбий офицер;</p> <p>давлат улуши бўлган компания кенгаши ёки бошқаруви аъзоси;</p> <p>халқаро ташкилот раҳбари.</p>
Близкие родственники - родители, супруг(-а), братья, сестры, дети, а также родители, братья, сестры супруга(-и).	Яқин қариндошлар - ота-она, турмуш ўртоғи, ака-ука, опа-сингил, фарзандлар, ҳамда турмуш ўртоғининг ота-онаси, ака-укаси, опа-синглиси.
<p>Государственная организация:</p> <p>государственный орган, включая, но не ограничиваясь, орган законодательной, исполнительной и судебной власти, департамент, учреждение, предприятие и организация, являющиеся государственными или находящиеся в государственном управлении, а также предприятие, в котором имеется доля государства;</p> <p>любая политическая партия;</p> <p>любая международная организация (такая как Всемирный банк или Организация Объединенных Наций).</p>	<p>Давлат ташкилоти:</p> <p>давлат идораси, шу жумладан қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимият органлари, департамент, муассасалар, идоралар, давлат ёки давлат бошқаруви остидаги корхона ва ташкилотлар, шунингдек, давлат улуши бўлган корхоналар;</p> <p>ҳар қандай сиёсий партия;</p> <p>ҳар қандай халқаро ташкилоти (Жаҳон банки ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилоти каби).</p>
Деловой партнер - любое юридическое или физическое лицо, с которым Компания вступает в	Бизнес ҳамкор – Компания билан шартномавий муносабатларига (меҳнат муносабатларидан

договорные отношения, за исключением трудовых отношений (примером Делового партнера могут быть контрагент, поставщик, дистрибьютор, дилер или иное третье лицо, уполномоченное действовать от имени и по поручению или в интересах Компании.)	ташқари) киришадиган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс (Бизнес ҳакморни контрагент, етказиб берувчи, дистрибьютор, дилер ёки Компания номидан ва унинг манфаатларини учун ҳаракат қилишга ваколатли бошқа учинчи шахсни мисол келтириши мумкин).
Персонал - председатель правления и его заместители, начальники (руководители) структурных подразделений и другие работники Компании.	Ходимлар/Ходим – Компания бошқарув раиси ва унинг ўринбосарлари, таркибий тузилмалар бошлиқлари (раҳбарлари) ва бошқа ишчилар.
Благотворительные пожертвования - имущество, в том числе денежные средства, выполнение работ, оказание услуг и предоставление иной поддержки в благотворительных целях.	Хайрия маблағлари - хайрия мақсадлари учун мол-мулкни, шу жумладан, пул маблағларини тақдим этиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ва бошқа тарзда кўмак тақдим бериш.
Спонсоры - юридические и физические лица, осуществляющие спонсорскую помощь.	Ҳомийлар - ҳомийликни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар.
Социальные инвестиции - инвестиции в денежной и натуральной форме, которые преследуют цели общественного блага.	Ижимоий инвестициялар - жамоат манфаати мақсадига йўналтирилган нақд ва натура шаклидаги инвестициялар.
Коммерческое спонсорство - поддержка в денежной или натуральной форме резонансных мероприятий, видов деятельности или организаций в обмен на популяризацию Компании, предоставление рекламного пространства или иные формы публичного освещения, или обмена коммерческой информацией с рынком, либо на популяризацию бренда «UzAuto», продуктов, услуг или улучшение репутации Компании с целью наращивания объемов продаж или повышения лояльности клиентов Подконтрольных предприятий (например, выставки-ярмарки, конференции, спортивные мероприятия и т.п.).	Тижорат ҳомийлиги - Назорат остидаги корхоналарда савдо ҳажмини ошириш ёки миқдорлар ҳолислигини юксалтириш мақсадида шов-шувли тадбирлар (масалан, кўрғазмалар, ярмаркалар, конференциялар, спорт тадбирлари ва бошқалар), фаолият турлари ёки ташкилотларга Компанияни тарғиб қилиш, реклама ҳудудини тақдим этиш ёки оммага ёритишнинг бошқа шакллари эвазига ёки бозор билан тижорат маълумотларини алмашиш, ёхуд “UzAuto” бренди, маҳсулотлари, хизматларини тарғиб қилиш ёки Компания обрўсини кўтариш эвазига пул маблағлари ёки натура шаклида кўмак кўрсатиш.
Получатель - физическое и юридическое лицо, получающее Благотворительность или Коммерческое спонсорство.	Олувчи - Хайрия ёки Тижорат ҳомийлигини оладиган жисмоний ёки юридик шахс.
Факторы риска («Red flags/ Красные флаги») - негативная информация, показатели или обстоятельства, которые могут предупредить о существенной вероятности появления (наличия) противоправных действий, недобросовестного поведения, а также значительного риска подкупа или коррупции, следовательно, требует проведения дополнительной проверки перед совершением каких-либо действий.	Риск факторлари («Red flags/ Қизил байроқлар») - ақли расо инсонни ноқонуний хатти-ҳаракатлар юзага келиши (мавжудлиги), инсофсиз хатти-ҳаракатлар, шунингдек, пора билан сотиб олиш ёки коррупциянинг катта хавфи тўғрисида огоҳлантириши мумкин бўлган салбий маълумотлар, кўрсаткичлар ёки ҳолатлар, бинобарин ҳар қандай хатти-ҳаракатларни амалга оширишдан олдин қўшимча текширувни талаб қилади.
Скрининг - тщательная проверка Получателя на	Скрининг - Олувчини Риск факторлари

<p>предмет наличия факторов риска. Форма отчета по скринингу приводится в <i>Приложении №7</i> к настоящей Политике.</p>	<p>мавжудлиги бўйича пухта текшириш. Скрининг ҳисоботи шакли ушбу Сиёсатнинг <i>7-иловасида</i> келтирилган.</p>
<p align="center">III. ОБЩИЕ ПОЛОЖЕНИЯ</p>	<p align="center">III. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР</p>
<p>3.1. Благотворительность и Коммерческое спонсорство должны подчиняться требованиям Применимого законодательства, отчетности, налоговым обязательствам и сопряжены с сопутствующими рисками. Для решения вопросов, связанных с различными профилями рисков, Благотворительность и Коммерческое спонсорство имеют разные критерии предварительного одобрения и разные требования к процессу в соответствии с настоящей Политикой. Определенные факты или обстоятельства могут привести к возникновению рисков возможных нарушений законодательства или соблюдения нормативных требований (так называемые «красные флаги»). Эти риски должны быть устранены, прежде чем начинать осуществление Благотворительности или Коммерческого спонсорства.</p> <p>Компания может принимать пожертвования и спонсорскую помощь в случаях, предусмотренных законодательством. При получении такой помощи принимаются все меры для недопущения конфликта интересов, обеспечения эффективного и целевого направления денежных средств на цели, указанные законодательством Республики Узбекистан или договором, а также для раскрытия информации о благотворительной и спонсорской деятельности на официальном сайте Компании в сети Интернет.</p>	<p>3.1. Хайрия ва Тижорат ҳомийлиги Амалдаги қонунчилик, ҳисобот талабларига, солиқ мажбуриятларига бўйсунити лозим ва ўзига хос риск билан боғлиқдир. Турли хил риск профиллари билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш учун Хайрия ва Тижорат ҳомийлиги ушбу Сиёсатга мувофиқ ҳар хил тасдиқлаш мезонлари ва жараён талабларига эга. Муайян фактлар ёки ҳолатлар мумкин бўлган қонунларни бузиш ёки қоидаларга (“қизил байроқлар” деб номланган) риоя қилиш хавфини туғдириши мумкин. Ушбу рисклар Хайрия ёки Тижорат ҳомийлигини бошлашдан олдин йўқ қилиниши керак. Ушбу рисклар Хайрия ёки Тижорат ҳомийлигини бошлашдан олдин бартараф этилиши керак.</p> <p>Компания қонунчилик билан белгиланган ҳолатларда хайрия ва ҳомийлик ёрдамини қабул қилиши мумкин. Бундай ёрдамни олишда манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, маблағларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёки шартномада кўрсатилган мақсадларга самарали ва мақсадли йўналтирилишини таъминлаш, шунингдек хайрия ва ҳомийлик фаолиятига доир ахборотни Компаниянинг Интернет тармоғидаги расмий веб-сайтида очиқлаш бўйича барча чора-тадбирлар амалга оширилади.</p>
<p>3.2. Благотворительность и Коммерческое спонсорство осуществляются на основе следующих принципов:</p> <ul style="list-style-type: none"> – принцип законности заключается в соблюдении правового режима, устанавливающего реальное действие права, при котором все лица строго соблюдают Применимое законодательство; – принцип добровольности заключается в соблюдении правового режима, устанавливающего право Компании оказывать Благотворительность или Коммерческое спонсорство; – принцип гласности заключается в соблюдении правового режима, устанавливающего право 	<p>3.2. Хайрия ва Тижорат ҳомийлиги қуйидаги тамойилларга асосланиб амалга оширилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> – қонунийлик тамойили барча шахсларнинг амалдаги қонунчиликка қатъий риоя қилган ҳолда ҳуқуқнинг ҳақиқий таъсирини белгилайдиган ҳуқуқий режимга риоя қилишларидан иборат; – ихтиёрийлик тамойили Компаниянинг Хайрия ёки Тижорат ҳомийлигини тақдим этиш ҳуқуқини белгилайдиган ҳуқуқий режимга риоя қилиниши; – шаффофлик тамойили Компания ва Олувчининг Хайрия ёки Тижорат ҳомийлигида

<p>Компании и Получателя открыто участвовать в Благотворительности или Коммерческом спонсорстве.</p>	<p>очиқ иштирок этиш ҳуқуқини белгилайдиган ҳуқуқий режимга риоя қилиши.</p>
<p>3.3. Следующие и любые подобные виды Благотворительности или Коммерческого спонсорства, оказываемые прямо или косвенно в денежной или натуральной форме, запрещены в соответствии с настоящей Политикой:</p> <ul style="list-style-type: none"> – Благотворительность (либо Коммерческое спонсорство), осуществляемая в отношении физических лиц, за исключением лиц, нуждающихся в повышенной социальной защите и находящихся в тяжелом финансовом состоянии; – Благотворительность (либо Коммерческое спонсорство), осуществляемая в отношении любых форм религиозных организаций; – Благотворительность (либо Коммерческое спонсорство) в отношении политических партий, организаций или кандидатов; – Благотворительность (либо Коммерческое спонсорство), которая привела бы к ненадлежащему влиянию на Государственного служащего или Делового партнера; – Благотворительность (либо Коммерческое спонсорство) в отношении организации, которая была вовлечена или имела репутацию вовлеченной в коррупцию или неэтичное поведение; – Благотворительность (либо Коммерческое спонсорство) для реализуемой в государственном секторе программы, если непосредственным бенефициаром является Государственный служащий. 	<p>3.3. Хайрия ва Тижорат ҳомийлигининг тўғридан-тўғри ёки билвосита нақд ёхуд натура шаклида амалга ошириладиган қуйидаги ва шунга ўхшаш ҳар қандай турлари ушбу Сиёсатга мувофиқ тақиқланади:</p> <ul style="list-style-type: none"> – ижтимоий ҳимояга муҳтож ва оғир молиявий аҳволда бўлган шахслардан ташқари жисмоний шахсларга нисбатан амалга ошириладиган Хайрия (ёки Тижорат ҳомийлиги); – ҳар қандай диний ташкилотга нисбатан амалга ошириладиган Хайрия (ёки Тижорат ҳомийлиги); – сиёсий партиялар, ташкилотлар ёки номзодларга нисбатан амалга ошириладиган Хайрия (ёки Тижорат ҳомийлиги); – Давлат хизматчисига ёки Бизнес ҳамкорга салбий таъсир кўрсатишга олиб келадиган Хайрия (ёки Тижорат ҳомийлиги); – коррупция ёки ахлоққа зид хатти-ҳаракатлари билан кўзга ташланган ёки шундай обрўга эга ташкилотга нисбатан Хайрия (ёки Тижорат ҳомийлиги); – бевосита ёрдам олувчи Давлат хизматчиси бўлган давлат секторида амалга ошириладиган дастур учун Хайрия (ёки Тижорат ҳомийлиги).
<p>3.4. В отношении Благотворительности и Коммерческого спонсорства должны соблюдаться следующие требования:</p>	<p>3.4. Хайрия ва Тижорат ҳомийлигида қуйидаги талабларга риоя қилиниши лозим:</p>
<p>3.4.1. Благотворительность и Коммерческое спонсорство в форме наличных выплат не допускается.</p>	<p>3.4.1. Нақд тўловлар шаклидаги Хайрия ва Тижорат ҳомийлигига йўл қўйилмайди.</p>
<p>3.4.2. Должны соблюдаться локальные процедуры и политики Компании, а также Применимое законодательство и прочие юридические обязательства Компании.</p>	<p>3.4.2. Компаниянинг ички процедуралари ва сиёсатига, шунингдек, Амалдаги қонунчилик ва Компаниянинг бошқа ҳуқуқий мажбуриятларига риоя қилиниши лозим.</p>

<p>3.4.3. В наличии должны быть подтверждающие документы, в которых четко указываются суммы, выплачиваемые в рамках Благотворительности (либо Коммерческого спонсорства), наименование Получателя, а также цель Благотворительности (либо Коммерческого спонсорства).</p>	<p>3.4.3. Хайрия (ёки Тижорат ҳомийлиги) бўйича тўланган суммалар, Олувчининг номи, шунингдек Хайрия (ёки Тижорат ҳомийлиги) мақсади аниқ кўрсатилган тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлиши керак.</p>
<p>3.4.4. В наличии должна быть точная и тщательно составленная документация, в том числе в отношении надлежащей проверки на предмет соблюдения норм и требований и наличия коммерческих выгод.</p>	<p>3.4.4. Тўғри ва пухта тайёрланган, шу жумладан, меъёр ва талабларга риоя этилишининг тегишли текшируви ва тижорат фойдалари бор-йўқлигига оид ҳужжатлар мавжуд бўлиши керак.</p>
<p>3.5. Благотворительность и Коммерческое спонсорство осуществляются в порядке инициативы Компании либо по запросу физического и/или юридического лица.</p>	<p>3.5. Хайрия ва Тижорат ҳомийлиги Компаниянинг ташаббуси билан ёки жисмоний ва/ёки юридик шахсининг сўровига биноан амалга оширилади.</p>
<p>3.6. Пожертвование или спонсорская поддержка, получаемая Компанией, не должны носить форму скрытого вознаграждения и не должны влиять на принятие решений отдельными работниками Компании в пользу жертвователя или спонсора, его близких родственников, лиц, связанных с ними, а также лица, с которыми донор или спонсор имеет личный интерес.</p>	<p>3.6. Компания томонидан қабул қилинаётган хайрия ёки ҳомийлик ёрдами яширин мукофот тарзида бўлмаслиги ва Компаниянинг алоҳида ходимлари томонидан хайрия қилувчи ёки ҳомий, унинг яқин қариндошлари, уларга алоқадор шахслар, шунингдек хайрия қилувчи ёки ҳомийда уларга нисбатан шахсий манфаатдорлиги бўлган шахслар фойдасига қарор қабул қилинишига таъсир кўрсатмаслиги лозим.</p>
<p>3.6.1. При получении благотворительной или спонсорской помощи от сообщества должны быть соблюдены следующие требования:</p> <p>необходимо заключить договор с донором или спонсором, а в нем указать цели получения и использования пожертвования или спонсорства, формы помощи, размер помощи в денежном выражении, а также способ отчетности перед донором или спонсором о предполагаемом использовании полученной помощи должен быть определен;</p> <p>включить в такой договор антикоррупционные оговорки;</p> <p>Размещение информации о полученных пожертвованиях или спонсорской помощи на официальном сайте Компании в сети Интернет.</p>	<p>3.6.1. Компания томонидан хайрия ёки ҳомийлик ёрдами олишда қуйидаги талаблар бажарилиши лозим:</p> <p>хайрия қилувчи ёки ҳомий билан албатта шартнома тузиш ва унда хайрия ёки ҳомийлик ёрдами олиш ва ундан фойдаланиш мақсадлари, ёрдам шакллари, ёрдамнинг пул ифодасидаги суммаси, хайрия қилувчи ёки ҳомий олдида келиб тушган ёрдамдан мақсадли фойдаланиш тўғрисида ҳисоб бериш усули белгилаб қўйилиши лозим;</p> <p>бундай шартномага коррупцияга қарши шартларни киритиш;</p> <p>Компаниянинг Интернет тармоғидаги расмий веб-сайтида олинган хайрия ёки ҳомийлик ёрдамига доир ахборотни жойлаштириш.</p>
<p>3.6.2. Политическое покровительство и финансирование политических партий от имени Компании запрещается.</p>	<p>3.6.2. Компания номидан сиёсий ҳомийлик қилиш ва сиёсий партияларни молиялаштириш тақиқланади.</p>
<p>3.6.3. Спонсорство является одним из основных способов укрепления деловой репутации (бренда и престижа) Компании. Однако спонсорство</p>	<p>3.6.3. Ҳомийлик Компаниянинг бизнес обрўсини (бренди ва нуфузини) мустаҳкамлашнинг асосий усуллари билан биридир. Бироқ Компаниянинг</p>

Компании не должно восприниматься или рассматриваться как связанное с попыткой получить или получить незаконное преимущество.	ҳомийлиги ғайриқонуний устунликка эга бўлишга уриниш ёки эга бўлиш билан боғлиқ деб қабул қилинмаслиги ёки ҳисобланмаслиги керак.
3.6.4. Спонсорская деятельность осуществляется на основании письменных договоров, в которых должно быть предусмотрено обязательство организаторов, осуществляющих спонсорскую деятельность, не предпринимать действий, нарушающих действующее законодательство о противодействии взяточничеству и коррупции.	3.6.4. Ҳомийлик фаолияти ёзма келишувлар асосида амалга оширилиб, унда ҳомийлик фаолиятини амалга оширадиган ташкилотчиларнинг мавжуд порахўрлик ва коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунларни бузадиган ҳаракатларни қилмаслик мажбурияти кўзда тутилган бўлиши лозим.
3.6.5 Все средства, направляемые на спонсорскую деятельность, должны четко и ясно отражаться в бухгалтерских книгах и отчетах Компании.	3.6.5 Ҳомийлик фаолиятига йўналтирилган барча маблағлар Компания бухгалтерия китобларида ва ёзувларида аниқ ва равшан акс эттирилиши керак.
3.7. Благотворительность:	3.7. Хайрия:
1) Социальные инвестиции.	1) Ижтимоий инвестициялар
<p><u>Критерии.</u></p> <p>Социальные инвестиции должны соответствовать следующим условиям:</p> <ul style="list-style-type: none"> – они финансируют мероприятия, связанные с разработкой новой техники и технологий, проведением необходимых опытно-промышленных испытаний, выпуском опытной партии продукции и реализацией подготовительных мероприятий для запуска серийного производства; – они предлагают новые и эффективные способы повышения качества, инноваций и достижений студентов Туринского политехнического университета в г. Ташкенте в автомобилестроительных и инженерных исследованиях; – они должны быть сконцентрированы на достижениях студентов Туринского политехнического университета в г. Ташкенте в тех областях, где в них ощущается высокая потребность; – они должны быть проектами, основанными на результате, а также соответствовать ценностям Компании, в особенности связанным с сотрудничеством, инновациями в области автомобилестроения, комплаенсом и деловой этикой. 	<p><u>Мезонлар.</u></p> <p>Ижтимоий инвестициялар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> – улар янги техника ва технологияларни ишлаб чиқиш, зарур тажриба-саноат синовларини ўтказиш, маҳсулотларнинг синов партиясини чиқариш ва серияли ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга тайёргарлик тадбирларини амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятни молиялаштиради; – улар Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети талабаларининг автомобилсозлик ва муҳандислик тадқиқотлари сифатини, инновация ва ютуқларини оширишнинг янги ва самарали усулларини таклиф қилади; – улар Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети талабаларининг эҳтиёж юқори бўлган соҳалардаги ютуқларига қаратилган бўлиши керак; – улар натижаларга асосланган лойиҳалар бўлиши ва Компаниянинг қадриятларига, айниқса автомобилсозлик саноатидаги ҳамкорлик, инновациялар, комплаенс ва ишбилармонлик этикаси билан боғлиқ қадриятларига мувофиқ бўлиши керак.
<p><u>Требования.</u></p> <p>– Социальные инвестиции осуществляются непосредственно в адрес конечного бенефициара, а не через третьих лиц;</p>	<p><u>Талаблар:</u></p> <p>– Ижтимоий инвестициялар учинчи шахслар орқали эмас, балки тўғридан-тўғри яқуний олувчиларга нисбатан амалга оширилади;</p>

<p>– где это представляется возможным и уместным, Социальные инвестиции осуществляются посредством предоставления в натуральной форме;</p> <p>– процедура определения победителя в каком-либо конкурсе или розыгрыше должна быть объективной, открытой, прозрачной и не восприниматься как действие неправомерного характера;</p> <p>– Социальные инвестиции должны проходить проверку на соответствие с соответствующими политиками и процедурами Компании.</p>	<p>– Ижтимоий инвестициялар имкони мавжуд ва ўринли бўлган ҳолларда натура шаклида тақдим этиш орқали амалга оширилади;</p> <p>– бирон-бир танлов ёки ўйинда ғолибни аниқлаш процедураси холис, очик, шаффоф бўлиши ва ноқонуний кўринишдаги ҳаракат сифатида қабул қилинмаслиги керак;</p> <p>– Ижтимоий инвестициялар Компаниянинг тегишли сиёсати ва процедураларига мос келиши бўйича текширувдан ўтказилиши керак.</p>
<p>2) Благотворительные пожертвования.</p>	<p>2) Хайрия маблағлари</p>
<p><u>Критерии.</u></p> <p>– необходимость осуществления Компанией Благотворительных пожертвований определяется на индивидуальной основе;</p> <p>– Благотворительные пожертвования должны осуществляться в целях:</p> <p>социальной поддержки и защиты граждан, включая улучшение материального положения социально незащищенных и малообеспеченных категорий населения, социальную реабилитацию безработных, инвалидов и иных лиц, которые в силу своих физических или интеллектуальных особенностей, других обстоятельств не способны самостоятельно реализовывать свои права и защищать законные интересы;</p> <p>содействия укреплению мира, дружбы и согласия между народами;</p> <p>содействия укреплению престижа и роли семьи в обществе;</p> <p>содействия защите материнства, детства и отцовства;</p> <p>содействия деятельности в сфере образования, науки, культуры, искусства, просветительства, а также духовному развитию личности;</p> <p>содействия деятельности в сфере профилактики заболеваний и охраны здоровья граждан, а также пропаганды здорового образа жизни, оказания морально-психологической помощи гражданам;</p> <p>содействия деятельности в сфере физической культуры и массового спорта;</p> <p>подготовки населения к преодолению последствий стихийных бедствий, экологических,</p>	<p><u>Мезонлар</u></p> <p>– Компания томонидан хайрия маблағларини амалга ошириш зарурати индивидуал равишда белгиланади;</p> <p>– Хайрия маблағлари қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:</p> <p>фуқароларни ижтимоий жихатдан қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш, шу жумладан аҳолининг ижтимоий жихатдан муҳофаза қилинмаган ва кам таъминланган тоифаларининг моддий аҳволини яхшилаш, ўз жисмоний ёки интеллектуал хусусиятлари, бошқа ҳолатлар сабабли мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қила олмайдиган ишсизларни, ногиронларни ва бошқа шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш;</p> <p>халқлар ўртасида тинчлик, дўстлик ва тотувликни мустаҳкамлашга кўмаклашиш;</p> <p>оиланинг Компаниядаги нуфузи ва ролини мустаҳкамлашга кўмаклашиш;</p> <p>оналик, болалик ва оталикни ҳимоя қилишга кўмаклашиш;</p> <p>таълим, фан, маданият, санъат, маърифат соҳасидаги фаолиятга, шунингдек шахснинг маънавий камол топишига кўмаклашиш;</p> <p>касалликлар профилактикаси ва фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги фаолиятга, шунингдек соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга кўмаклашиш, фуқароларга маънавий-руҳий ёрдам кўрсатиш;</p> <p>жисмоний тарбия ва оммавий спорт соҳасидаги фаолиятга кўмаклашиш;</p> <p>аҳолини табиий офатлар, экология, саноат ҳалокатлари ёки бошқа ҳалокатлар оқибатларини</p>

<p>промышленных или иных катастроф, к предотвращению несчастных случаев;</p> <p>оказания помощи пострадавшим в результате террористических акций, стихийных бедствий, экологических, промышленных или иных катастроф;</p> <p>охраны окружающей природной среды;</p> <p>охраны объектов культурного наследия;</p> <p>в иных целях в соответствии с Применимым законодательством.</p>	<p>бартафарф этишга, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга тайёрлаш;</p> <p>террорчилик ҳаракатлари, табиий офатлар, экология, саноат ҳалокатлари ёки бошқа ҳалокатлар натижасида жабрланганларга ёрдам кўрсатиш;</p> <p>атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш;</p> <p>маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш;</p> <p>Амалдаги қонунчиликка мувофиқ бошқа мақсадлар учун.</p>
<p><u>Требования.</u></p> <p>– Благотворительные пожертвования осуществляются в пользу организаций, имеющих легитимный статус и репутацию организации, ведущей добросовестные и честные деловые операции;</p> <p>– Благотворительные пожертвования должны проходить проверку на соответствие с соответствующими политиками и процедурами Компании.</p>	<p><u>Талаблар:</u></p> <p>– Хайрия маблағлари қонуний мақомга ҳамда виждонли ва ҳалол тижорат операцияларини олиб боровчи ташкилот сифатида нўфузга эга ташкилотлар фойдасига амалга оширилади;</p> <p>– Хайрия маблағлари компаниянинг тегишли сиёсати ва процедураларига мос келиши бўйича текширувдан ўтказилиши лозим.</p>
<p>3.8. Коммерческое спонсорство.</p>	<p>3.8. Тижорат ҳомийлиги</p>
<p><u>Критерии.</u></p> <p>– Коммерческое спонсорство должно осуществляться в поддержку резонансного события, деятельности или организации, например, значительной конференции или популярного культурного или спортивного события;</p> <p>– Коммерческое спонсорство должно быть адресовано лицам, имеющим легитимный статус и должно предоставлять Компании возможность получить обратный экономический эффект и повышения статуса.</p>	<p><u>Мезонлар</u></p> <p>– Тижорат ҳомийлиги муҳим анжуман ёки оммавий маданий ёки спорт тадбирлари каби шов-шувли тадбир, фаолият ёки ташкилотни қўллаб-қувватлаш учун амалга оширилиши керак;</p> <p>– Тижорат ҳомийлиги қонуний мақомга эга шахсларга нисбатан татбиқ қилиниши ҳамда Компанияга иқтисодий самара бериши ва унинг мавқеи ошишига имконият тақдим этиши лозим.</p>
<p><u>Требования.</u></p> <p>– Коммерческое спонсорство должно обосновываться бизнес-предложением и иметь цель;</p> <p>– коммерческие выгоды и затраты Коммерческого спонсорства необходимо сравнивать с затратами на достижение аналогичных целей иными средствами;</p> <p>– Коммерческое спонсорство должно проходить проверку на соответствие с соответствующими политиками и процедурами Компании.</p>	<p><u>Талаблар:</u></p> <p>– Тижорат ҳомийлиги бизнес таклифга асосланиши ва муайян мақсадга эга бўлиши лозим;</p> <p>– Тижорат ҳомийлигининг тижорат фойдалари ва харажатлари шу каби мақсадларга бошқа усуллар ёрдамида эришилган харажатлар билан таққосланиши лозим;</p> <p>– Тижорат ҳомийлиги Компаниянинг тегишли сиёсати ва процедураларига мос келиши бўйича текширувдан ўтказилиши керак.</p>
<p>3.8. В некоторых случаях Благотворительность и Коммерческое спонсорство могут быть связаны с</p>	<p>3.9. Айрим ҳолларда Хайрия ва Тижорат ҳомийлиги Давлат ташкилотига ва/ёки Давлат</p>

<p>возможными злоупотреблениями, включая необоснованное предоставление выгод Государственной организации и/или Государственному служащему или иной стороны, вследствие чего Компании может быть нанесен репутационный, юридический или финансовый вред. Существуют ситуации, которые могут указывать на риск необоснованной выплаты средств, в случае чего возможность осуществления Благотворительности или Коммерческого спонсорства надлежит проверять с большей тщательностью. Примеры таких «красных флагов» включают в себя, помимо прочего следующие ситуации:</p>	<p>хизматчиси ёки бошқа бир томонга асоссиз имтиёзлар бериш каби эҳтимолий суиистеъмоллик билан боғлиқ бўлиб, бунинг оқибатида Компаниянинг нўфузига путур етиши, юридик ёки молиявий зиён етказилиши мумкин. Маблағларни асоссиз сарфлаш хавфидан дарак бериши мумкин бўлган ҳолатлар мавжуд бўлиб, бундай ҳолларда Хайрия ёки Тижорат ҳомийлигини амалга ошириш имкониятини янада синчковлик билан текширилиши лозим бўлади. Бундай “қизил байроқлар”га мисолларга шунингдек куйидаги ҳолатларда кўришимиз мумкин:</p>
